

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ**

Кўлёзма ҳуқуқида:

ББК: 66.3 (54)3

КОДИРОВ РАҲИМЖОН ТОҲИРОВИЧ

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШДА

«ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Кўл ёзуви

09.00.10 – Сиёсат фалсафаси

**Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2009

32c(c52)

18-53

Диссертация Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети «Сиёсатшунослик ва социология» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: тарих фанлари доктори, профессор
Сиддиқов Бердимурод

Расмий оппонентлар: сиёсий фанлар доктори
Алимардонов Тўлқин Турдиевич

сиёсий фанлар номзоди
Муллажонова Мукаррама Маматқуловна

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси «29» октябр 2009 йил соат 14⁰⁰
да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият
қурилиши академияси қошидаги фан доктори илмий даражасини ҳимоя этиш
учун ташкил қилинган Д.005.10.01 Ихтисослашган Кенгаш йиғилишида
ўтказилади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил 29 сентябр да тарқатилди.

Д.005.10.10 рақамли
Ихтисослашган Кенгаш
илмий котиби



с.ф.н. А.Т.Жалилов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳонда ва Ўзбекистон ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар ва янгилинишлар ижтимоий тараққиёт моделлари ҳақидаги тасаввурларимизни тубдан ўзгартириб, унинг шаклланиши ва ривожланишига оид объектив қонунларни билишга катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу тўғрида турли хил қарашлар мавжуд. «Лекин энг муҳими – ҳаёт ҳақиқатини тўлақонли акс эттиришдан иборат»¹. Маълумки, Ўзбекистон демократик жамият қуришда «... мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилди»². Натўжанда «Ўзбек модели» деб ном олган демократик жамият қуришда муайян тажриба тўпланди. Дунё мамлакатлари эришилган муваффақият ва натижаларни, мамлакатимизнинг дунё майдонида ўрни ва обрў-эътибори тобора ошиб бораётганини тан олмақда»³.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги, биринчидан, Ўзбекистон таянган мустақил тараққиёт йўлининг демократияга мослиги, умуминсоний тараққиёт йўлининг хусусиятларини ўзида акс эттирганлиги, ҳамда «Ўзбек модели»нинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга қаратилганлиги билан боғлиқ;

иккинчидан, мамлакатимизда қуриладиган ҳуқуқий, демократик фуқаролик жамиятини «Ўзбек модели» билан боғлиқ ўзига хос миллий ва умуминсоний тамойилларининг қарор топиб бориш жараёнлари билан боғлиқ қонуниятларини ўрганиш ва уларга амал қилиш асосида янада такомиллаштириш зарурлиги билан белгиланади;

учинчидан, «Ўзбек модели»да миллий демократик кадрларнинг тикланиши уни умуминсоний демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қарор топтиришга бўлган интилиш билан алоқадор;

тўртинчидан, Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти қуриш назарияси ва амалиётини ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтишда «Ўзбек модели»нинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ;

бешинчидан, дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик, одил фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг асосий тамойилларини амалиётга татбиқ этиш механизмларини умумлаштириш ҳамда демократиянинг «универсал модели» тўғрисидаги қарашларнинг асосизлигини ёритиш;

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. -Т.: Ўзбекистон, 2009. –Б.10.

² Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 2007. –Б.5.

³ Қаранг: Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари» халқаро илмий-амалий конференция широкчиликларига табриги. / Халқ сўзи, 2009 йил 23 май.

олтинчидан, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотларни тадқиқ ва таҳлил этиш асосида «Ўзбек модели»нинг ўзига хос ривожланиш қонуналарини таҳлил этиш;

еттинчидан, демократик жамият қуришда «Ўзбек модели» хусусиятининг сиёсий фалсафий жиҳатларини етарлича ўрганилмаганлиги билан боғлиқ;

саққизинчидан, «Ўзбек модели»да миллий ва умумбашарий тамойилларнинг узвий боғлиқ ҳолда қарор топиб бориши жараёнларини илмий ва амалий тадқиқ этишга доир ҳулоса, тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёжнинг сақланиб қолаётганлиги билан асослаш мумкин.

Дунёдаги давлатлар кўп қутбли ва ривожланишнинг хилма-хил йўллари мавжуд. «Ўзбек модели»нинг яратилиши ва уни жаҳон халқлари томонидан эътироф этилишининг умумий ва ўзига хос томонларини ўрганиш ўта муҳимдир. Ўзбекистон танлаган йўл, мустақил тараққиёт моделининг бетақрор эканлиги диссертацияга асос қилиб олинди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Демократик жамият қуришнинг «Ўзбек модели» мамлакат мустақиллигини кўлга киритиб, ўзининг тараққиёт йўлини танлаб олиши билан пайдо бўлди. Бунда аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Қаримовнинг «Ўзбек модели» билан боғлиқ концептуал ғоялари асослаб берилган асарларини алоҳида таъкидлаш лозим¹. Мазкур муаммо кўпқиррали ва долзарб бўлганлиги учун ҳам кўпчилик олимларнинг диққат-эътиборини тортмоқда. Мамлакатимиз сиёсатшунос, файласуф ва ҳуқуқшунос олимлари томонидан демократия назарияси анча бойитилди. Жумладан, А.А.Азизхўжаев, Т.Т.Алимардонов, У.Идинов, Р.З.Жумаев, Н.Қ.Жўраев, С.А.Жўраев, Т.А.Жўраев, Н.Комилов, О.З.Мухаммаджонов, Қ.Н.Назаров, С.Отамуродов, А.Пардаев, А.Рахмонов, И.Эргашев, А.Ж.Холбеков, М.Қирғизбоев, Д.Т.Абидов, А.Қодировлар демократик жамият қурилиши муаммоларини тадқиқ этганлар².

Амалга оширилган тадқиқот ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, демократия, демократик жамият қурилиши ва маънавият, фуқаролик жамияти масалалари бўйича салмоқли ишлар тайёрланиб чоп этилганлиги муҳим ютуғимиздир. Айни пайтда докторлик ва номзодлик диссертациялари

¹ Қаримов И.А. Тўла асарлар мажмуаси. 1-17 жилдлар.

² Азизхўжаев А.А. Демократия халқ ҳокимияти демақдир. –Т.: Академия, 1996; Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. –Т.: Шарқ, 1997; Азизхўжаев А.А.Чин ўзбек иши. –Т.: Академия, 2003; Алимардонов Т.Т. Сиёсат ва ахлоқ. –Т.: Фан, 2005; Жумаев Р. Давлат ва жамият демократиялаш йўлида. –Т.: Шарқ, 1998; Жўраев Н. Агар оғоҳ сен... –Т.: Шарқ, 1998; Жўраев С. Ёшларга доир сиёсат. –Т.: ТошДУ, 1993; Жўраев Т.А. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. –Т.: Академия, 2007; Комилов Н. Тасаввуф ёки қомил инсон ахлоқи. –Т.: Ёзувчи, 1996; Назаров Қ., Эргашев И. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. –Т.: Ғафур Ғулом, 2007; Мухаммаджонов О.З. Парламент демократик тараққиёт йўлида. –Т.: Академия, 2004; Пардаев А. Давлат ва давлатчилик ғояси. –Т.: 2007; Рахмонов А. Гражданское общество: достижения, проблемы, перспективы. –Т.: Академия, 2007; Холбеков А., Матиев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: Янги аср авлоди, 2004; Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. –Т.: ТДЮИ, 2005; Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. –Т.: Академия, 2004; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. –Т.: Янги аср авлоди, 2007.

хам ҳимоя қилинганлигини таъкидлаш лозим¹. Масалан, М.Қирғизбоевнинг докторлик диссертацияси «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши» муаммосини ўрганишга бағишланган. Ш.Б.Билолхўжаева Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиш шароитида ҳуқуқ ва ахлоқ муносабатларини, Г.Ғ.Жамолова фуқаролик жамияти қурилишининг сиёсий масалаларини, М.М.Муллажонова Ўзбекистонда демократик жамият қуришда ижтимоий-сиёсий институтларнинг ролини, Т.Б.Матибаев ижтимоий адолат ва демократиянинг ўзаро алоқадорлигини, М.Тўрақулов маҳаллий давлат ҳокимиятининг ролини, А.Х.Ҳайдаров Ўзбекистон жамияти сиёсий маданиятида миллий-маънавий кадриятларнинг ўрнини ўрганган. Бошқа айрим тадқиқот ишларини ҳам келтириш мумкин.

Айни пайтда, демократик жамият қуришда «Ўзбек модели»нинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий хусусиятлари алоҳида ўрганилган тадқиқот ишлари етарли эмаслигини таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам уни ўрганишга бўлган эҳтиёж сақланиб қолмоқда.

Юқорида келтирилган муаллифлар тадқиқотларининг муҳимлиги ва долзарблигини эътироф этиш билан бирга, мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнларнинг, «Ўзбек модели»нинг ривожланиш қонуниятларини, тажрибасини сиёсий фалсафий нуқтаи назардан ўрганиш тадқиқотда назарда тутилган.

Диссертация ишининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Абу Райҳон Бериуний номли Тошкент давлат техника университетида олиб борилган илмий тадқиқотлар иш режаси билан боғлиқ.

Тадқиқот мақсади. Демократик жамият қуриш моделининг хилма-хиллигини хусусан демократик жамият қуришда «Ўзбек модели»нинг ўзига хос жиҳатларини сиёсат фалсафаси нуқтаи назаридан ўрганишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- «Ўзбек модели» тушунчасининг, маъно-моҳиятини илмий таҳлил қилиш;
- жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг демократик тараққиёт йўлида «Ўзбек модели»нинг ютуқларини очиб бериш;
- демократик тараққиётнинг хилма-хиллигини «Ўзбек модели» билан алоқадорлигини таҳлил қилиш;

¹ Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши. Сиёсий фанлар док. ил. дар. олиш учун ёзилган диссертация ав-ти. Т.: 2007; Билолхўжаева Ш.Б. Проблема взаимодействия морали и права в условиях формирования гражданского общества в Узбекистане. Авт. дисс. На соис.уч.ст. к.п.н., Т.: 2005; Жамолова Г. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда ижтимоий ва сиёсий институтларнинг роли. С.ф.н. ил. дар. олиш учун ёзилган дисс. ав-ти. Т.: 2006; Матибаев Т.Б. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишда ижтимоий адолат ва демократиянинг ўзаро алоқадорлиги. С.ф.н. илмий дар. олиш учун тасд. дисс. ав-ти. Т.: 2008; Тўрақулов М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимиятининг роли. С.ф.н. ил.дар. олиш учун ёзилган дисс. ав-ти. Т.: 2004 ва 6.

- демократик кадриятларни, миллий ва умуминсоний тамойиллар билан узвий равишда ривожланиб боришини таҳлил этиш;
- демократик жамиятда «Ўзбек модели»нинг ижтимоий-сиёсий жараёнларини илмий таҳлил этиш;
- жамият маънавий ҳаётида демократик тамойилларни «Ўзбек модели» билан боғлиқ шаклда намоён бўлишини кўрсатиш;
- турли хил демократия моделларининг афзаллигини ва аҳамиятини ёритиш;
- «Ўзбек модели» хусусиятини маҳаллий ва ўзини-ўзи бошқариш тизимининг миллий маданий негизлари билан боғлиқлигини кўрсатиш;
- «Ўзбек модели»нинг демократик жамият қуришда замонавий давлатчиликнинг демократик асослари билан боғлиқлигини ёритиш;
- Мавзуга доир хулоса, амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда «Ўзбек модели»нинг умумбашарий ва миллий демократик кадриятларни ҳамда ундан ўрин олган умумий ва миллий хусусиятларининг сиёсий, фалсафий жиҳатларини ўрганиш тадқиқотнинг объектидир.

Тадқиқотнинг предмети демократик жараёнларнинг қарор топиб боришида «Ўзбек модели» тажрибасида яратилган шарт-шароитлар ва ҳуқуқий асосларни ҳамда фуқаролик жамияти асосларини яратишда намоён бўлиш қонуниятларини ўрганиш, илмий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Муаммони ўрганишда таҳлил, умумлаштириш, статистик маълумотларни тизимли таҳлил қилиш, жаҳонда ва мамлакатда юз бераётган демократик ривожланиш жараёнларини кузатиш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий фарази: 1) Жамиятнинг тараққиёти демократия моделларининг хилма-хиллигига асосланиши «демократия»нинг моҳиятига мос келади; 2) Демократиянинг «ягона модель»ни эътироф этилиши ва уни «экспорт қилиш»га уриниш ноҳолис сиёсий мақсадларни кўзлайди ва эркин, демократик миллий тараққиёт қонунларига тўғри келмайди; 3) «Ўзбек модели» демократия моделлари хилма-хиллигининг ўзига хос кўринишидир; 4) «Ўзбек модели» миллий ва умумбашарий демократик тамойилларга асосланади; 5) Демократик жамият қуришда «Ўзбек модели» ўз истиқболига эга ва демократик тараққиёт йўлини ўзига хос хусусиятлари билан бойитади, деган илмий фаразларга таянади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- Демократия моделларининг хилма-хиллигини эътироф этиш демократик жамият қуриш қонуниятларига зид эмас;
- Демократик жамият қуришда «Ўзбек модели»нинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш уни янги хулосалар билан янада бойитади;

- Умуминсоний эътироф этилган демократик жамият меъёрларига миллий моделнинг мутаносиблигини, умумий, алоҳида, миллий хусусиятларини ҳисобга олиш демократик тамойилларга мос келади;
- Миллий ва умумбашарий демократик кадриятлар узвий боғлиқ. Уларнинг бир-бирини бойитишга кўрсатаётган таъсири «Ўзбек модели» тажрибасида яққол намоён бўлади;
- Бозор иқтисодига ўтишда асос қилиб олинган беш тамойил «Ўзбек модели»нинг тўғрилигини кўрсатди;
- Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг қарор топиши ва «Ўзбек модели»да эришилган ютуқлар «демократия экспорти» билан боғлиқ бир томонлама қарашларнинг асоссиз эканлигини кўрсатади.

Илмий янгилиги. Демократик жамият қуриш моделларининг хилма-хиллиги Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли «Ўзбек модели» хусусиятлари билан боғлиқ жараёнларнинг ўзига хос томонларини сиёсат фалсафаси нуқтаи назаридан очиб берилгани билан белгиланади. У қуйидаги йўналишларда ўзининг ифодасини топган:

- Демократик жамият ва «Ўзбек модели» тушунчаларининг моҳияти сиёсий фалсафий таҳлил этилган;
- Ўзбекистоннинг демократик тараққиёт йўлида умумэътироф этилган тамойиллари таҳлил этилган;
- Ўзбекистонда демократик жамият қуришда «Ўзбек модели»нинг миллий ва маданий илдизларга асосланганлиги ёритилган;
- Демократик жараёнларни ўрганишнинг «Ўзбек модели» билан боғлиқ асослари кўрсатилган;
- Ўтиш даврида «Ўзбек модели»да эришилган ютуқлар, тажрибалар умумлаштирилган;
- «Ўзбек модели»да ҳисобга олинган беш тамойилнинг илмий, амалий жиҳатлари очиб берилган;
- Фуқаролик жамияти қуришнинг «Ўзбек модели»даги ўзига хос томонлари ёритилган;
- Демократиянинг универсал моделини экспорт қилишга уринишларнинг салбий оқибатлари таҳлил этилган;
- «Ўзбек модели»да ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни, илмий-амалий томонлари таҳлил қилинган;
- Демократик тараққиётда «Ўзбек модели»нинг ўзига хослиги ва замонавий давлатчилик анъаналари билан уйғунлик томонлари кўрсатилган;
- Мавзуф доир хулоса, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари ва хулосалари демократик жамият қуриш модели хилма-хиллиги концепциялари, ғояларининг мазмун ва моҳиятини илмий, сиёсий, фалсафий таҳлил этишда, умуминсоният эътироф этган демократик жамият

меъёрларига миллий модел мутаносиблигининг хусусиятларини ёритишда илмий аҳамият касб этади.

Демократик жамият қуришнинг «Ўзбек модели»да муҳим ўрин тутган миллий-маънавий ва умумбашарий демократик кадриятларни бир-бирини бойитишга кўрсатаётган таъсирини Ўзбекистон тажрибаси орқали илмий асосланган таклиф ва мулоҳазаларни амалий фаолиятда фойдаланиш мумкин;

«Ўзбек модели» асосида орттирилган ижобий тажрибаларни оммалаштиришда муҳим ўрин тутди. Мамлакатда демократик жамият қуришда эришилган ютуқлар ва муаммоларни таҳлил этиш, илмий хулосалар чиқаришда, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, ривожлантириш масалалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишда аҳамиятга эга.

Диссертация материаллари ва хулосалари мамлакатимизда демократик жараёнларнинг қарор топиб бориши, «Ўзбек модели»да ўз аксини топган илмий концепциялар, ғояларнинг таҳлили сифатида сиёсатшунослик фани ўқув қўлланмалари, дарсликларини яратишда фойдаланиш ҳамда Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан маъруза ва амалий машғулотларда унинг хулосаларидан фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациянинг натижалари ва хулосалари Қўкон давлат педагогика институти, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида сиёсатшунослик ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанларидан ўтилаётган маъруза, амалий машғулотларида, шунингдек, Республикада миллий ғоя ва маънавий-маърифий тарғибот бўлимлари томонидан уюштирилган тадбирлар орқали жорий этилди.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Тадқиқот иши Қўкон давлат педагогика институти, А.Р.Беруний номи Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Д.005.10.01 рақамли Ихтисослашган Кенгаш қошида сиёсий фанлар бўйича ташкил этилган илмий семинарларда муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация натижалари бўйича журналларда учта илмий мақола, битта монография ҳаммуаллифликда чоп этилган. Тўртта илмий амалий – конференция материалларида, шунингдек, тўртта илмий услубий мақолалар тўпламида тезислар ва мақолалар эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши, кириш, учта боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, услуги, жорий қилиниши, диссертациянинг тузилиши натижаси ва ҳажми кўрсатилади.

Диссертациянинг биринчи боби «Демократик жамият қуриш моделларини ўрганишнинг назарий-методологик асослари»га бағишланган. Унинг «Демократия» ва демократик жамият қуриш моделларининг ўзаро муносабати: тушунчаси ва моҳияти» деб номланган биринчи параграфда демократик жамият қуриш моделларини фалсафий сиёсий – назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида «Ўзбек модели»нинг ўзига хос жиҳатлари асосланади. «Сиёсий воқелик»¹нинг сиёсий фалсафий жиҳатига эътибор қаратилади.

Демократик жамият қуришда унинг моделлари хилма-хиллиги масаласи тадқиқотнинг таянч нуқтасини ташкил этади. «Модел» тушунчаси – йўл, андоза маъносини англатади². Бу масалага нисбатан ёндашишда файласуфлар, сиёсатшунослар турли хил қарашларга эга эканлиги таъкидланади ва таҳлил этилади.

Муаммони ўрганишга «сиёсий фалсафий» нуқтаи назардан ёндашиш, унинг «сиёсатшунослик» ва «фалсафа» билан туташ нуқталарини аниқлашга, билишга ёрдам беради. Бу унинг моделлари ўртасидаги ўзаро муносабатнинг мазмун моҳиятини, характерини аниқлашга имконият яратади. Шу нуқтаи назардан «демократия», «сиёсат», «Демократик жамият», «демократия моделлари», «Ўзбек модели» ўртасидаги муносабат билан боғлиқ тушунчаларни аниқлаб олишнинг методологик аҳамияти кўрсатилган.

Бугун жамиятларни «демократик» ва «нодемократик» жамиятларга бўлиш кўпроқ сиёсий-мафкуравий мақсадларни кўзламоқда. Бу соҳада «демократия»дан фундаментал тушунча сифатида «ниқоб» сифатида фойдаланмоқда. Бу демократик тамойилларнинг соғлом табиатини хавф остида қолдириши мумкинлигига эътибор қаратилади.

«Эндилқда, - деб ёзади И.А.Каримов, - дунёда жамият ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳар қандай мамлакат учун бир хилда мақбул бўлган ҳаммабоп йўллари йўқлиги равишан бўлиб қолди, «капиталистия», «социалистик» деган тушунчалар ўртасида фарқ амалда йўқ бўлиб бораётган»³. Бундай ёндашув демократияни, демократик жамият қуриш қонуниятларини «формацион» қарашдан фарқли ҳолатда янгича тамойиллар асосида таҳлил этишга назарий методологик асос бўлади.

¹ Гаджиев К.С. Политическая философия. -М.: Экономика, 1999. -Б.184.

² Фалсафа. Қомусий луғат. -Т.: Шарқ, 2007. -Б.277.

³ Каримов И.А. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза. 2-жид. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.50.

Диссертацияда «Демократия» тушунчаси, унга бўлган муносабатнинг янгилашиб, модернизациялашиб бораётганлиги эътироф этилади. Ҳозирги замонда демократиянинг хилма-хил моделлари яратилди. Бу жамият тараққиёти моделларининг хилма-хиллиги бевосита маданиятлар ранг-баранглиги ва унинг умуминсоний хусусиятлари билан боғлиқ. Маданиятлар хилма-хиллигини эътироф этмасдан, миллий маданиятларнинг ўзига хос жиҳатларини, ривожланиш қонуниятларини тан олмаслик мумкин эмас. Бундай ёндашув жамият тараққиёти моделларининг асосларини тўғри тушунишга назарий-методологик жиҳатдан ёрдам беради. Жамият тараққиёти моделларини тушунишда «ягона моделга» даъво қилиш, унинг назарий-концептуал асосларининг мутлақлигига интилиш ғояси бир томонлама ёки илмий-назарий, методологик жиҳатдан ноҳолис хулосалар чиқаришга сабаб бўлади. Тараққиёт моделларини «бир чизикда» кўриш жамият тараққиёти моделларининг хилма-хиллигига тўғри келмаслиги таъкидланади.

Илмий, фалсафий-сиёсий адабиётларда, «Швед модели», «Америка модели», «Япон модели», «Хитой модели», «Малайзия модели» ва бошқа моделлар ишлатилмоқда. Жумладан, «Америка модели»да бозор муносабатларининг моҳияти либераллиги билан характерланади, «Япония модели» иқтисодий муносабатларда давлатнинг етакчи ўрни билан белгиланади. «Швед модели»да иқтисоднинг ижтимоий йўналтирилганлиги устувордир. Шунингдек, Шарқий Европа мамлакатларининг ўз модели бор. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги моделлар ҳам ўзига хос жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади. Уни шу халқларнинг миллий давлатчилик негизлари, кадриятлари, тарихий тажрибаси, анъаналари, тафаккур тарзи, сиёсий кадриятлари билан боғлиқ ҳолда тўғри тушуниш мумкин.

Демократик жамият тараққиёти моделлари хилма-хиллиги унинг миллий ва умуминсоний тамойиллари уйғунлигига асосланиши билан характерланади, дейиш мумкин. Бу бир чизикли тараққиёт йўли эмас. У кўп чизикли тараққиёт йўлидир. Бу йўл ўзининг демократик характери ва мазмунини билан ажралиб туради.

Демократия – ҳар бир давлатнинг, халқнинг миллий манфаатларининг устуворлигини тан олиш билан боғлиқ. Демократияни ўз қобигида, ўзига мос «ягона андоза» ҳолида кўриш, уни бошқаларга мажбурлаб киритишга уринишни демократия деб бўлмайди. Демократик ўзгаришлар нафақат ижтимоий ҳаёт соҳаларида балки, инсон онги ва тафаккурида ҳам намоён бўлади. Бир қутбли, икки қутбли, кўп қутбли тараққиёт йўли бўлиши мумкин. У ўзига хос мураккабликка эга. Демократик ривожланишнинг кўп қутбли бўлиши табиийдир. Демократия тамойиллари ўз-ўзича инсон ҳаётига ўзгариш олиб қирмайди. Демократик ўзгаришлар инсон ҳаёти ва турмуш тарзида, онги ва тафаккури, унга бўлган амалий муносабати орқали,

«анъаналарга муносабати»¹ да ҳам намоён бўлади. Одамларнинг демократияни англаши қай даражада бўлса, у шундай ҳолатдаги демократик ҳаёт тарзига ҳам эга бўлади. Демак, муаммонинг ечими одамлар демократия бераётган ҳуқуқ ва эркинликлардан қандай фойдаланаётганликларига, унга бўлган муносабатларига боғлиқ бўлади. Президент И.А.Каримов айтганларидек, «... Барча мамлакатлар учун, уларга хос хусусият ва аломатларни ҳисобга олган ҳолда, бирдек мос келадиган яққаю ягона универсал демократия модели йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Демократияни экспорт қилиш ва уни четдан туриб зўравонлик билан жорий қилишнинг ўзи айнан демократия табиатига зид нарс»².

Шунинг учун ҳам «Айниқса, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қаршига қаратилганини аниқлаш»³ алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридаги концептуал ғояларга таянган ҳолда, тадқиқотда қуйидаги хулосалар берилади: Биринчидан, демократия ва демократик тараққиёт йўли, айрим муаммолардан холи бўлмасда, инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ифода этишда, ундан бошқа тўғри йўлни инсоният кашф этгани йўқ. Иккинчидан, жамият тараққиётида демократияни идрок этиш бир хил бўлмаган. Унинг турли хил талқин этилиши, ҳар хил сиёсий-мафкуравий қарашларнинг шаклланиши, унга нисбатан айрим сиёсий кучлар, манфаатдор гуруҳларнинг бир томонлама ёндашувининг натижасидир. Учинчидан, демократияга қарашда инсон эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлигини эътироф этиш амалда ўзининг натижасини бериши мумкин. Тўртинчидан, демократияни дунёнинг бирон-бир давлатида яратилган ягона, универсал модели йўқ. Демократия моделларининг хилма-хиллиги турли халқлар, мамлакатлар ҳаёт тарзи билан боғлиқ ўзига хос маданиятининг ифодасидир. Бешинчидан, демократия ва унинг миллий моделлари бир-бирига зид бўлган тушунчалар эмас. Аксинча, улар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳамда демократик тараққиёт йўлининг моҳиятига тўғри келади.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи «*Демократик жамият қуришда демократиянинг «ягона модели» ва «экспорти» концепциясининг асосизлиги»*ни сиёсий-фалсафий жиҳатларини таҳлил қилишга бағишланади. Демократик жамият қуриш модели дунё халқлари томонидан умумэътироф этилган умумий принципларга эга. Лекин, демократик жамиятнинг «ягона модели», «демократияни экспорт қилиш» орқали ҳам қуриш мумкинлиги тўғрисидаги концепция демократия қонунларига зид ҳолат эканлиги тадқиқотда таҳлил этилади. Демократия, демократик жамият қудратли бўлиб қўрилгани билан айни вақтда, бир қутбли дунёда ҳукмронлик қилиш даъвоси билан сиёсий майдонга чиқаётган айрим кучлар ундан ниқоб сифатида

¹ Переломов Л.С. Конфузий: жизнь, учение, судьба. –М.: МГУ, 1993. –160 с.

² Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрят. 14-жилд – Т.: Ўзбекистон, 2006. –Б.68-69.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – сиғилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.126.

фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бундан, ҳақиқий демократия ва демократия гоёси зарар кўрмоқда.

Демократик тараққиёт йўлини излаётган ёки демократик жамият сари эволюцион йўл билан бораётган халқларга демократияни экспорт қилиш йўли билан демократик жараёнларни тезлаштириш мақсадида ўзларининг сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун «демократия» ниқобидан фойдаланишга уриниш ҳолатлари айрим нохушликларни келтириб чиқармоқда.

Улар "рангли инқилоб"лар орқали минтақада беқарорликни вужудга келтириб, аста-секин бу мамлакатларни ўз таъсир доирасига олишга ва охир-оқибатда бу ҳудудларда ўзларининг геосиёсий стратегик мақсадини амалга оширишга уринмоқда. Умуман, бундай сиёсий кучларнинг дунё миқёсидаги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, демократияни зўрлаб тикиштириш қандай оқибатларга олиб келаётганини хаспўшлаш, ўзларининг гаразли мақсадларини яшириш учун улар томонидан янги-янги найранглар ўйлаб топилаётгани аслида, «рангли инқилоб», «универсал демократия» каби гоёлар ҳам Ғарбдаги айрим кучларнинг асл мақсадларини пардалашдир.

Аслида, турли мамлакатларда куч ишлатмасдан ҳокимиятни ағдарिश технологиялари XX асрнинг 80-йиллари охирида ишлаб чиқилган ва Шарқий Европанинг бир неча мамлакатларида синовдан ўтказилган. Тинч йўл билан амалга оширилишига ишора қилиниб, бу жараёнлар «бахмал инқилоб» дея номланди. XXI асрда бу технологиялар янада такомиллаштирилган ҳолда МДХ давлатларининг айримларида ишга туширилиб, «рангли инқилоб» мақомини олди ва «демократия экспорти» стратегиясининг тактик босқичларидан бирига айланттирилди.

Мустақиллик ҳақиқий демократиянинг сохта демократиядан фарқини кўрсатди. Халқ ёки миллат мустақил тараққиёт йўлидан ривожланмасдан ўз сиёсий хохиш-истаги асосида эркин яшай олмаслигини англаб етмоқда. Одамларни демократиянинг ягона андозаси борлигига ишонтиришга уриниш уларнинг эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларига зид ҳолатдир. Тадқиқотда бунинг ўзига хос сабаблари атрофлича таҳлил этилади. Одамларнинг онг-тафаккури демократия талаб ва ўзгаришларидан орқада қолмаслиги кераклигига эътибор қаратилади. Айрим ёшлар онгида демократиянинг универсал «андоза»сини четдан қидириш ёки унга мойиллик билан боғлиқ стереотиплар ҳақиқий демократик тамойилларга зид ҳолат сифатида баҳоланади.

Ўзбекистон бугун демократик тараққиёт йўлини танлаган ва уни қафолатлаб турган Конституциясига эга. «Ўзбек модели» асосида эркин, демократик, фуқаролик жамияти асослари яратилаётганлиги, демократиянинг миллий ва умумэтироф этилган тамойиллари ҳисобга олинган шароитда кўзланган улуғ мақсадга эришиш мумкинлиги, демократик тараққиёт йўли ҳар бир халқ, мамлакатнинг тарихи,

маданияти, миллий-маданий мероси билан боғлиқ кадриятларни ҳисобга олса, демократиянинг ривожига ҳаёт бағишлаши ва уни янада бойитиши мумкинлиги билан боғлиқ хулосалар берилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «Демократик жамият куришда «Ўзбек модели»нинг миллий ва умумбашарий тамойиллари» деб номланади. Мазкур бобда миллий ва умумбашарий демократик тамойиллар ўрганилган. Шу бобнинг биринчи параграфи «Демократик жамият тараққиётида «Ўзбек модели»нинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланади. Мазкур параграфда демократик тараққиётда жамият миллий-маънавий хусусиятлари муҳим роль ўйнаши, Ўзбекистонда юксак маънавиятга берилган эътибор масалалари таҳлил қилинган. «Ўзбек модели» маънавий имкониятларни, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмаслиги таҳлил этилган.

Халқнинг маданий кадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган¹. Узоқ давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлганлиги «Ўзбек модели»да алоҳида ўрин тутади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок, аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилиб келинган ғоят улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросини тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий кадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён деб ҳисоблаймиз² - деб таъкидлайди Ислом Абдуғаниевич Каримов. Миллий маънавиятнинг ривожланганлик даражаси, демократик тараққиётнинг даражасини ҳам белгилайди. Шунинг учун ҳам барча даврларда маънавиятга катта эътибор билан қаралган.

Дунёдаги ҳар бир давлат катта кичиклигидан қатъий назар ўзининг тараққиёти моделида маънавиятга эҳтиёж сезган ва сезади. Бу – тарихий заруриятдир. Маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти тарихий бурилиш даврида айниқса бекиёс бўлади. Бу фикр мустақил Ўзбекистонга ҳам тўла дахлдордир³. Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқлари қадимдан маънавиятга интилувчан маърифатли халқ эканлиги билан ҳамма замонларда ҳам ажралиб турган. Жамият тараққиёти энг аввало инсон камолоти билан боғлиқ эканлигини бошқалардан кўпроқ англаганлар.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.18.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.137.

³ Гафуров З., Сиддиков Б. Маънавий юксалиш – тараққиёт омил. -Т.: ТошДУТУ нашриёти, 1998.

«Ҳозирги кунда юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди»¹. Ана шу келтирилган мисолдан ҳам кўриниб турибдики, мамлакат аҳолисини саводхонлиги яъни маънавий баркамоллигини таъминлаш учун давлат томонидан ажратилаётган молиявий харажат катта миқдорни ташкил этади. Энг ривожланган мамлакатларда ҳам таълим ва маорифга бунчалик кўп миқдорда маблағ ажратилмайди. Бу «Ўзбек модели»да бозор иқтисоди шароитида кучли ижтимоий ҳимояни амалга оширишнинг энг муҳим хусусияти эканлигини англатади. «Ўзбек модели»нинг миллий хусусияти билан боғлиқ тамойиллари, миллий-маданий меросга таяниши, ўзига хос хусусиятлар, анъана, сиёсий тажрибани, миллий менталитетни, сиёсий воқеликни, демократияни англаши ва унга муносабатда акс этишини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланиб, хулосалар берилади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи «Демократик жамият қуришида «Ўзбек модели»нинг умумбашарий тамойиллари» деб номланади. Бу параграфда демократик ва умумбашарий тамойилларнинг уйғунлиги ҳақида фикр юритилади. Ҳамда «Ўзбек модели»нинг асоси бўлган умумбашарий тамойиллари таҳлил этилади.

Бу миллийлик ва умумбашарий тамойиллар узвийлигини таъминлаш, демократик жамият қуриш йўлини танлаган миллатнинг тараққиётига, турмуш тарзига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган тамойиллари сифатида ўрганилган. Агар демократик жамият қуриш йўлидан бораётган миллатнинг турмуш тарзида, муносабатларида, маънавий дунёсида, умумбашарий демократик элементлар, мезонлар шаклланган, илдиз отган, одамлар онгида ёки менталитетида маълум даражада мавжуд бўлса, бундай ҳолда узвийликни таъминлаш мумкин. Агар юкорида таъкидланган ҳолатлар бўлмаса узвийликни таъминлаш ўта мураккаб жараёнга айланади. Бу масалада Ўзбекистон тамомила ўзгача бетақдор йўлни танлади, яъни, энг аввало, демократиянинг мезонларини ўзидан, миллий маънавий меросидан излади. Шу билан бирга дунёдаги ривожланган демократик давлатларнинг тизимини ҳар томонлама мукамал ўрганиш асосида беш тамойил орқали миллий ва умумбашарий демократик тамойилларни узвийлигини таъминлай олди.

«Биз бугунги кунда бутун дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган тараққиёт моделини ишлаб чиқдик. Бу моделнинг асосий тамойиллари – яъни, иқтисодни сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислохотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий, сиёсий ислохотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш»² орқали намоён бўлмоқда. Президентимиз И.А.Каримовнинг жамиятни демократик тараққиётида ва бозор муносабатларига ўтишдаги бу фикри жаҳон цивилизацияси ривожланиш йўлидаги умумий қонуниятлардан келиб чиққан ҳолда миллийлик билан

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007 йил 31 август.

² Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.102.

узвий боғлиқ. «Демократиянинг умумий қонуниятлари мавжуд бўлса ҳам, ҳар бир мамлакатда демократиянинг ўз кифёси бор. Шу билан бирга, давлат ва жамият ҳаётидаги айрим демократик қадриятларни ўзгартириш ўзига хос тарзда, юзлаб йиллар давомида таркиб топган тафаккур тарзини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади»¹. «Ўзбек модели» ҳам ўзининг кифёсани яратдики, буни жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга қизиқиш ҳам пайдо бўлди. Бу кейинги йиллар давомида демократия сари бораётган кўплаб мамлакатлар орасида Ўзбекистоннинг демократик тараққиётида эришган ютуғини эътироф этилиши² Ўзбекистон халқларининг кагга маънавий бойлиги бўлиб қолди.

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишда, демократик жамиятни қарор топтиришда жамиятни сифат жиҳатдан тамомила янги босқичга ўтишида бу беш тамойил муҳим аҳамиятга эга бўлди. «Ўзбек модели»да демократиянинг умумэътироф этилган тамойиллари: 1) инсон, унинг эркинлиги олий қадрият эканлиги; 2) қонун устуворлиги; 3) шахс эркинлиги; 4) давлат ҳокимиятининг бўлиниши тамойили; 5) демократик сайловлар; 6) сиёсий институтларнинг хилма-хиллигини эътироф этилиши; 7) муҳолифат институтининг тан олиниши, унинг қонуний асосга эга бўлиши ва ҳоказоларда ўзининг ифодасини топмоқда

Демократик тараққиёт йўлида ривожланиш ўта мураккаб жараёндир. Шунинг учун ҳам демократик жараёнларни қарор топтиришда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш тақозо этилади. И.А.Қаримов қайд этганидек, «Демократия атамасининг қандай шарҳланиши эмас, балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳимдир. Бинобарин, биз ўз истагимизда демократияга қандай мазмун бахш этмайлик, агар у ҳаётимизнинг ҳар бир сониясига сингиб кетмаса, турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма шиорлар ва таърифлар ё мазмунсиз бақир-чақир ёки ҳеч нарсани аңлатмайдиган сўз ўйини бўлиб қолаверади. Бундан ташқари, бизнингча, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёр бўлмаган заминда демократиянинг барча тамойилларига – эркин сайловга, сўз эркинлиги, уюшмалар, йиғилишлар эркинлиги ва шу қабиларга «Яшил йўл» очиб берсак, ҳақиқий демократияни бўғиб қўйиш хавфи юзага келиши ҳам мумкин»³ деган хулосанинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи ҳам исботлаб турибди.

Шунинг учун ҳам, демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётга тадбиқ қилишни ҳамда уларни химоялаш зарурлигини, авваламбор, жамиятнинг ўзи аңламоғи даркор.

¹ Қаримов И.А. Ҳафсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.384-385.

² Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислам Қаримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари. -Т.: Ўзбекистон, 2001. –Б.43.

³ Қаримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.560.

Мамлакатни демократик ривожланишида умумбашарий ва миллий тамойилларнинг уйғунлигини таъминлаш давлат сиёсатининг бош масаласи сифатида қаралади. Тадқиқот натижасида тегишли хулосалар берилади.

Тадқиқотнинг охириги учинчи бобида «Демократик жамият куришда «Ўзбек модели»нинг ривожланиш истикболлари» тахлил этилади. Унда Ўзбекистоннинг мустақил демократик ривожланиш йўлида «Ўзбек модели» тажрибасида қўлга киритган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва унинг ечим йўллари тахлил этилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи «*Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида «Ўзбек модели»нинг ривожланиши*» деб номланади. Демократик жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида «Ўзбек модели» ўзининг ифодасини топади. Миллий кадриятлар халқнинг маънавий борлигини ифода этади, унинг ўзига хос жиҳатларини намоён этиб турадиган ноёб ҳодиса сифатида демократик тараккиётга хизмат қилади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, миллий давлатчилик негизларига таянган ҳолда мустақил тараккиёт йўлида «Ўзбек модели»ни ишлаб чиқди. Тажрибани ўрганиб, мамлакатимизнинг тарихий-миллий хусусиятлари ва географик-демократик шарт-шароитларига мос бўлган ўзига хос моделни яратиш йўлини танлаганлиги ўзининг тўғрилигини кўрсатиб бермоқда. Бу йўлдаги энг асосий вазифа "...шўро даврдан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий буйруқбозлик тизимини тубдан ислох қилиш, унинг ўрнида моҳият эътибори билан бутунлай янги эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этишга азму қарор қилдик"¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Ўзбекистон – суверен демократик республика»² деб белгиланди. Бу бир томондан, Ўзбекистон Республикасининг мустақил, суверен давлат эканлигини; иккинчидан, дунёда эътироф этилган демократик тамойилларни тан олишини англатади. Суверен, демократик республика бўлиши учун ҳам нафақат демократиянинг умумэътироф этилган тамойилларини, аynи пайтда, унинг миллий-маъданий хусусиятлари билан боғлиқ негизларига таянишни, уни ҳисобга олишни ҳам тақозо этади. Бу дегани ижтимоий-сиёсий ҳаётда бир томондан демократиянинг миллий хусусиятлари мавжудлигини кўрсатса, иккинчидан, уни турли халқлар, миллатлар ҳаётида, давлатчилик қурилиши анъаналарида намоён бўлишидан далолатдир. Ўзининг миллий – маънавий кадриятларига таянмаган, уни ҳисобга олиб, аynи пайтда умуминсоний кадриятлар, тамойиллари билан уйғун бўлмаган демократияни ҳақиқий демократия деб бўлмаслиги кўрсатилади. Шунинг билан бирга айрим бир томонлама қарашларга муносабат билдирилади.

Демократия қанчалик умуминсоний маъно касб этмасин, унинг негизи «миллийлик», «миллий руҳият», миллий – маънавий хусусиятлари билан

¹ Қаримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. –Б.102.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008. –Б.4.

боғлиқ бўлади. Демократия моделлари миллийликни, миллий руҳиятни ҳисобга олмаса, унга таянмаса, ўз моҳиятига тўғри келмайди. «Ўзбек модели» шу нуқтаи назардан ўзига хос маъно-мазмунга эга. Унинг ривожланишида ижтимоий-сиёсий ҳаётда демократик тараққиёт йўлини намоён этувчи хусусиятлар мавжуд.

«Ўзбек модели»ни ўрганишда жамоавий онгнинг икки жиҳатини, даражасини ҳисобга олиш муҳим: 1) табиий, социал негизда шаклланган жамоавий онг шакли (оила, маҳалла билан боғлиқ); 2) жамоавий онгнинг ижтимоийлашган кўринишдаги шакли (муайян ижтимоий қатлам, гуруҳ, жамоа, давлат, миллат, партия в.х. хослиги) билан ажралиб туради. Унинг шаклланишига кўпгина омиллар: 1) табиий эҳтиёжлар; 2) ижтимоий ҳаёт; 3) иктисодий ҳаёт; 4) алоҳида инсон имкониятларининг чекланганлиги ва бошқалар билан мақсадлари, манфаатларининг боғланганлиги; 5) инсоннинг кундалик ва ижтимоий ҳаётининг бир-бири билан боғлиқлиги; 6) маданий; 7) сиёсий ҳаёт соҳалари таъсир кўрсатади.

Демократик тараққиёт йўлида ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳасида «Ўзбек модели», унинг ўзига хос кўриниши бўлиб, жаҳонда демократия тўғрисидаги қарашларни, тажрибани янада бойитади, ҳамда демократиянинг умумэтироф этилган тамойиллари билан бирга, унинг миллий моделини тан олиш, демократик тараққиёт қонунларига мос келади.

Демократик жамият қуришда «Ўзбек модели» собиқ совет даврида ижтимоий-сиёсий ҳаётда амал қилган сохта демократик тамойилларнинг ўрнида ҳақиқий унсурларни инсонлар ҳаётига олиб қиради. «Ўзбек модели» мамлакатдаги бозор иқтисодида ҳам ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маданий хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда амалга ошириб, у билан боғлиқ ўзгаришлар тадқиқотда ўзининг ифодасини топган. Булар: 1) ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар ва мафқуралар хилма-хиллигига асосланиши; 2) жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мулк хилма-хиллигининг жорий этилиши; 3) давлатнинг бош ислоҳотчилик роли; 4) бир палатали парламентдан икки палатали парламентга ўтилганлиги; 5) эркин, демократик сайловлар жорий этилиб, муқобиллик асосида амалга оширилаётганлиги; 6) бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили билан боғлиқ хусусиятлар ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни, янгиланишларни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Бу ўзига хос ва мос ривожланиш, демократик тараққиёт модели учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги атрофлича далилланган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи «Демократик жамият қуришда «Ўзбек модели»нинг эътирофи ва ривожланиш истиқболлари»га бағишланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида демократик жамият қуришда «Ўзбек модели»ни дунёда эътироф этилаётганлиги таъкидланган. Бу соҳада тўпланган тажрибани кўпгина мамлакатлар ўрганиб, қизиқиш билан кузатмоқда. Бунга мустақил тараққиёт йўлида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиётни танлаганлиги, муаммоларни ҳал этишда ўз сўзи ҳамда концепциясига эга бўлганлиги билан боғлиқ. Тошкентда, 2009 йил 22 май

куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари»: китобида баён қилинган хулосалар юзасидан бўлиб ўтган халқаро конференцияда дунёнинг 60 мамлакати ва 30 халқаро ташкилотлари ҳамда молия институтларидан 350 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, олим ва экспертлар иштирок этиб, Ўзбекистоннинг эришаётган ютуқларига, «Ўзбек модели»га қизиқиш ортиб бораётганлигини таъкидладилар.¹

Демократик жамият қуришда «Ўзбек модели», мамлакатнинг хусусиятларини аниқ ҳисобга олганлиги билан характерланади. Улар: 1) бозор иқтисодиёти қонунлари; 2) миллий давлатчилик негизлари ва тажрибаси; 3) мамлакатнинг табиий-географик, демократик ҳолати; 4) мамлакат ишлаб чиқаришнинг хом-ашё тизимига асосланганлиги; 5) собиқ совет тузумидан қолган мерос; 6) коммунистик ақиданинг одамлар онига таъсири; 7) Ўзбекистон халқининг миллий-маданий меросга муносабати; 8) сиёсий онг ва маданияти ва бошқалар ҳисобга олинди.

Янги давлат ва жамият қуришда ўзбек модели амалда ўзини тўла оқлади. Натижада, Республикада ялпи ички маҳсулот 1990 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Саноатнинг улуши 11 фоиздан 25 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши эса 18 фоиздан 42 фоизга ёки 2 баробардан зиёд ошди. Кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45 фоиздан ортди.²

Шунингдек, мамлакатда икки палатали парламент тизимини шакллантириш тўғрисидаги ғоя ҳаётга татбиқ этилди. Чунки, бу зарурийат демократик «ижтимоий тараққиёт талабларидан келиб чиқди»³. Бу мамлакатнинг демократик ривожланишида янги босқич бўлди.

Тадқиқот натижаларини умумлаштириб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: биринчидан, Ўзбекистон мустақиллик туфайли ўзига хос ва мос демократик тараққиёт йўлини танлаганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Иккинчидан, бозор иқтисодига ўтишда беш тамойил Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши «Ўзбек модели» учун муҳим асос сифатида хизмат қилмоқда ҳамда амалий самарасини бермоқда. Учинчидан, дунёда демократия моделларининг хилма-хиллиги тамойилни эътироф этиш, амал қилиши осон кечмаяпти. Тўртинчидан, ҳозирги даврда «бир кутбли дунё» моделига даъво қилаётган айрим давлатлар мавжудлиги, унга эътиборни қаратишни тақозо этади. Бешинчидан, «Ўзбек модели» тажрибаси асосида муҳим ютуқларга эришилмоқда. Дунёдаги давлатлар томонидан эътироф этилаётганлиги муҳим. Бу демократик жараёнларни янада чуқурлашиб борганлигида яққол намоён бўлмоқда.

¹ Қаранг: Халқ сўзи, 2009 йил 23 май.

² Қаримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007. –Б.37–40.

³ Ўзбекистонда ҳокимият бўлиниши тамойилининг амалда олирилиши. –Т.: Академия, 2005. –Б.14.

Олтинчидан, «Ўзбек модели» демократия моделларини янада бойтади. Ҳамда «Дунёнинг ягона, бир кутбли» моделини яратишга бўлган айрим уринишларнинг нотўғри ва демократия асосларига зид эканлигини ҳам кўрсатиб беради.

Еттинчидан, «Ўзбек модели» тажрибаси билан боглик айрим муаммолар ҳам йўқ эмас, улар давлат ва жамият қурилишини янада демократлаштириш, модернизация ва ислоҳ этиш орқали ҳал этиб борилмоқда. Лекин, «Ўзбек модели» мустақил тараққиётнинг йўли сифатида ўзининг истиқболига эга эканлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Демократик жамият қуриш моделлари умумий қонуниятларига эга. Бу демократиянинг моҳияти, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда инсон эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлиги билан боглик умумэтироф этилган олий кадриятлар орқали ўзининг аниқ ифодасини топади. Демократик жамият қуриш билан боглик, умумий қонуниятларни этироф этиш, демократик жамият қуриш моделларининг хилма-хиллиги қонуниятига мосдир. Инсоният тараққиёти демократиянинг турли хил моделларига асосланади. Бу дунёдаги мамлакатлар ва халқларнинг ўзига хос миллий-маданий мерос, кадриятларга ҳамда демократияни қабул қилиш ва ҳаёт тарзига айланиши билан боглик анъаналари, кадриятларига айланган тамойиллари, унга баҳо бериш мезонлари маданияти билан узвий ҳолда кечади. Турли мамлакатлар ва халқлар ўзининг миллий-маданий негизда мустақил тараққиёт йўлидан ривожланиши мумкинлигини этироф этиш, демократик жамият қуриш моделларининг хилма-хиллигини тақозо этади. Шу нуқтаи назардан ёндашганда демократик жамият қуришда «Ўзбек модели» нинг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан қуйидаги ҳолатлар билан узвий боглик:

Биринчидан, «Ўзбек модели» демократиянинг умумий ва ўзига хос жиҳатини этироф этиш, демократия моделларининг хилма-хиллиги тўғрисидаги назария ва концепцияга асосланади; бу амалда демократиянинг ягона модели йўқ, деган хулосага келиш учун асос бўлиб хизмат қилади;

Иккинчидан, «Ўзбек модели» нинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, миллий моделнинг хусусиятлари мутлақлаштирилмайди, ёки демократиянинг умумэтироф этилган тамойилларига зид бўлмаган ҳолда, миллий ва умуминсоний тамойиллар уйғунлигига асосланади;

Учинчидан, демократиянинг умумэтироф этилган ғоялари, тамойиллари Ўзбекистон халқи томонидан қадрланади ва кадриятга айланиб бормоқда. Бу демократия, қонун устуворлиги, инсон ва шахс эркинлиги, хусусий мулкни этироф этилиши, давлат жамиятининг бўлиниши тамойили, сайлов ва референдумлар, халқ ҳаёти ва иродасини ҳисобга олиб ва ҳоказо орқали ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Тўртинчидан, Демократик жамият куришда бозор иктисоди ва хусусий мулкни эътироф этилиши дунёдаги кўпгина халқлар учун умумий тараққиёт йўлининг асоси бўлса, «Ўзбек модели» нинг ўзига хос жиҳати уни босқичма-босқич, тадрижий равишда амалга оширилишида ўзининг ифодасини топади;

Бешинчидан, давлатни бош ислохотчи сифатида демократик жамият куриш вазифаларини амалга оширишда, унинг кафолати бўлиб, кучли ижро ҳокимиятидан кучли фуқаролик жамиятига ўтиб боришда «Ўзбек модели» нинг ўзига хос хусусиятини кўриш мумкин;

Олтинчидан, демократик жамият куришда «Ўзбек модели»нинг ўзига хос хусусиятлари, кучли ижтимоий ҳимоя тамойилига асосланишида ҳам аниқ ўзининг ифодасини топган. Бу Ўзбекистоннинг миллий-маданий, иқтисодий, ижтимоий, демографик ҳолатини аниқ ҳисобга олади. Демократик жамият куришда бу хусусиятларни ҳисобга олмаслик, кутилган натижани бермайди;

Еттинчидан, «Ўзбек модели» нинг ўзига хос хусусиятларида, собиқ, тоталитар режим таъсирида, ягона коммунистик ғоя асоратларининг таъсирини ҳисобга олмаслик мумкин эмас эди. Шунинг учун аҳолининг демократик онг ва тафаккури, сиёсий маданиятини шакллантириш билан боғлиқ хусусиятлар демократик жамият куришнинг умумий қонуниятларини эътироф этган ҳолда, миллий-маданий хусусиятларни ҳисобга олиш «Ўзбек модели» концепциясининг назарий методологик негизини ташкил этади;

Саккизинчидан, «Ўзбек модели»нинг ўзига хос хусусиятлари кенг кўламли бўлиб, унинг сиёсий-фалсафий, ижтимоий-иқтисодий, маданий, социал-ижтимоий ҳаёт соҳаларига таянган ҳолда амалга ошириб келинмоқда. Бу, демократия ва демократик тараққиёт моделларининг хилма-хиллигини, унинг ягона универсал моделининг йўқлигини асослашга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг натижаси сифатида демократик жамият куришда «Ўзбек модели»да илгари сурилган концепцияларни дастурларни амалда тўлиқ рўёбга чиқаришда кўмаклашиши мумкин бўлган яна қуйидаги амалий таклиф ва тавсияларни билдириш мумкин:

1. Демократик жамиятни қарор топтириши учун фуқароларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини янада ошириш мақсадида «демократия мактаби» рубрикасида телекўрсатувларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

2. Сайлов жараёнларида электоратнинг сиёсий онги, фаоллигини янада ошириш мақсадида мактабларда сайлов жараёнлари билан боғлиқ амалиёт ўйинларини ташкил этиш асосида ёшларнинг сиёсий масъулиятини ошириш руҳида тарбиялаш тадбирларини кўриш лозим.

3. Демократик жамият куришда «Ўзбек модели»нинг ўрганилиши билан боғлиқ маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш зарур. Олий ва ўрта махсус таълим тизимида факультатив ёки танлов асосида бўлсада, демократик жараёнларда «Ўзбек модели» билан боғлиқ бўлган курс ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

4. Демократик жамият куришда «Ўзбек модели» тажрибасининг илмий-назарий жиҳатларини ўрганиш мақсадида жаҳон ва Ўзбекистон олимларини жалб этган ҳолда илмий-амалий анжуманларни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

5. Демократик жамият куришда «Ўзбек модели»нинг ўзига хос хусусиятларини, унинг моҳиятини чуқурроқ тушунириш, айрим бир томонлама қарашларнинг олдини олиш мақсадида турли хорижий тилларда ОАВда чиқишлар ташкил этиш, монография ва илмий мақолалар чоп этиш мақсадга мувофиқ.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзаев А., Гофуров З., Сиддиқов Б., Мирзаева Х.Ю., Куанишова Д.Т. Монография. Фуқаролик жамияти асослари. –Т., 2007, ТошДТУ, –Б.38-46.
2. Қодиров Р.Т. Ўзбекистонда демократик жамият куришда миллий умуминсоний демократик қарашларнинг уйғунлиги. // Ж: Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар (илмий-методик ва илмий услубий журнал). –Т., 2006, №4. –Б.41-44.
3. Қодиров Р.Т. Ўзбекистоннинг демократик ривожланишидаги маънавий ахлоқий негизлари. // Ж: Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар (илмий-методик ва илмий услубий журнал). –Т., 2007, №3. –Б.80-82.
4. Қодиров Р.Т. «Ўзбек модели»да қонун устуворлиги масаласи. // Ж: Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар (илмий методик ва илмий услубий журнал). –Т: 2007, №4. –Б.54-56.
5. Қодиров Р.Т. Соғлом авлод тарбиясининг ҳуқуқий асослари. // Соғлом турмуш тарзи ва ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш: (илмий-услубий мақолалар тўплами). –Т., Фан, 2005. –Б.96-98.
6. Қодиров Р.Т. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг демократик жамият куришдаги ўрни. // (Олий ўқув юртлари илмий-услубий мақолалари тўплами, 3-қисм) –Т., Фан, 2007. –Б.29-34.
7. Қодиров Р.Т. Ўзбекистонда демократик жамият куришда миллий умуминсоний демократик қарашларнинг ўрни. // Таълим самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий асослари. (Олий ўқув юртлари илмий-услубий мақолалар тўплами, 3-қисм) –Т., Фан, 2007. –Б.101-105.
8. Қодиров Р.Т. Талабаларни демократизм, ошқоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш. // Ёшлар дунёқараши ва ижтимоий фаоллигини шакллантириш: муаммо ва ечимлар (Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Кўкон, 2007. –Б.56-58.
9. Қодиров Р.Т. Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида маҳалланинг ўрни. // Низомий номидаги ТДПУ Республика илмий амалий анжуман материаллари. –Т., 2008. –Б.304-307.

10. Қодиров Р.Т. Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари. // Низомий номидаги ТДПУ Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Т., 2008. –Б.128.
11. Қодиров Р.Т. «Ўзбек модели»да инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор йўналиш. // Андижон давлат университети. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон. 2008 йил 3 декабрь. –Б.38-41.
12. Қодиров Р.Т. Илм, фан тараққиёт интеграцияси. «Ўзбек модели»да демократия экспорти назариясининг асоссизлиги. // Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти. Илмий-услубий мақолалар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Фан” нашриёти. Тошкент. 2009. –Б.63-66.

Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасига талабгор Қодиров Раҳимжон Тоҳировичнинг «Демократик жамият қуришда «Ўзбек модели»нинг ўзига хос хусусиятлари» мавзuidaги 09.00.10 – Сиёсат фалсафаси ихтисослиги бўйича сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: демократия, эркинлик, мустақиллик, «Демократия экспорти», фуқаролик жамияти, сиёсий маданият, инсон ҳуқуқи, глобал тараққиёт, миллийлик, «Ўзбек модели», умуминсоний демократик кадриятлар, алоҳидалик, умумийлик, «рангли инкилоб», парламент, сиёсий тизим, сиёсий жараёнлар.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда «Ўзбек модели»нинг ўзига хос хусусиятларини илмий ва амалий таҳлил этиш асосида умумбашарий ва миллий демократик кадриятларнинг узвийлигини таъминлаш ҳамда демократик жамият қуришда «Ўзбек модели»дан ўрин олган умумийлик, алоҳидалик, махсуслик, миллийлик категорияларини фалсафий, сиёсий жиҳатдан ўрганиш.

Тадқиқотнинг мақсади. Демократик жамият қуришда «Ўзбек модели»нинг яратилишидаги ижтимоий-сиёсий қонуниятларини илмий, сиёсий, фалсафий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот усули: Қиёсий, сиёсий-фалсафий таҳлил, тарихийлик, тизимлилик, таркибий-функционал ёндашиш.

Олинган натижалар ва уларнинг илмий янгилиги. Демократик жамият қуришда «Ўзбек модели»ни ижтимоий-сиёсий, умуман демократик кадриятларнинг умуминсоний ва миллий хусусиятларини сиёсий фанлар нуктаи назаридан ўрганишга бағишланганлиги билан белгиланади.

«Ўзбек модели»нинг яратилишида дунёвий демократик давлатнинг тараққиёт йўлига мослигини таъминлаш, алоҳидалик, умумийлик, миллийлик, махсуслик категорияларига амал қилинганлиги ҳолда бетакрор тараққиёт йўлининг ишлаб чиқиши қонуниятлари илмий таҳлил қилинди. Демократик жамият қуришда миллий маънавий меросга асосланиб, замонавий давлатчилик анъаналарига асосланган Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминловчи омиллар илмий-қиёсий таҳлил этилди.

Амалий аҳамияти. Диссертацияда баён этилган қоидалар ва чиқарилган хулосалар кенг жамоатчиликда демократик кадриятларнинг қарор топишида, ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишида сиёсий жараёнларни, қонуниятларни таҳлил этиш ҳамда жамиятда адолат ва ҳақиқат ғояларининг қарор топишига қаратилган демократик кадриятларнинг шакллантирилишига ёрдам беради.

Тадбиқ этиш даражаси. Мазкур илмий иш хулосаларини Тошкент давлат техника университети ва Қўқон давлат педагогика институти «Сиёсатшунослик» ва «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанлари дарсларини ўқитишда тадбиқ этилган. Шунингдек, «Маънавият, маърифат» марказлари билан ҳамкорликда олиб борилган сиёсий-маърифий тадбирлар, сўхбатларда кенг жамоатчиликка етказилган. Айни пайтда «Ўзбек модели»ни ўрганувчи мутахассислар учун амалий дастур вазифасини ўтайди.

Қўлланиш соҳаси. Тадқиқотнинг илмий, амалий, таълим-тарбиявий хулосалари ва тавсияларидан илмий ходимлар, сиёсий фанларни ўқитиш жараёнида, «Миллий ғоя», «Маънавият ва тарғибот» марказлари, жамоат ташкилотлари ўз фаолиятида фойдаланиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

Диссертации Кодирова Рахимджона Тохировича на тему: «Особенности «Узбекской модели» при строительстве демократического общества» на соискание ученой степени кандидата политических наук по специальности 09.00.10 – Философия политики.

Ключевые слова: демократия, свобода, суверенитет, парламент, гражданское общество, «экспорт демократии», политическая культура, права человека, глобальное развитие, национальный, «Узбекская модель», общечеловеческие демократические ценности, общее и особенное, «цветная революция», политическая система, политический процесс.

Объект исследования. Являются научный и практический анализ особенностей «узбекской модели» при строительстве демократического общества. Сочетание общечеловеческих и национальных демократических ценностей.

Цель работы: научный анализ социально-политических закономерностей создания «узбекской модели».

Метод исследования: использование сопоставительно-политического и философского анализа, системного, функционально-составного.

Полученные результаты и их новизна: отмечается изучением общечеловеческих и национальных свойств социально-политических, и вообще, демократических ценностей с точки зрения политических наук.

Сделан научный анализ закономерностей пути развития «Узбекской модели», на основе мирового демократического государства.

Сделан научно-сопоставительный анализ средств, обеспечивающих приоритет Конституции и законов, на основе национально-духовного наследия строения демократического общества.

Практическая значимость: правила и выводы, сделанные в диссертации помогают формированию демократических ценностей при утверждении в государстве идей справедливости, правдивости и анализу политических процессов а также закономерностей решений социальных проблем при утверждении демократических ценностей.

Степень внедрения: выводы данной научной работы внедрены в состав предметов «Политология» и «Теория построения демократического общества в Узбекистане» в ТашГУ и КГПИ. Донесён до широкой публики в политико-просветительских мероприятиях, проведенных совместно с духовно-просветительскими центрами.

В данное время служит практической программой для специалистов, изучающих политические процессы.

Область применения: ученые, политологи могут использовать научные, практические, образовательно-воспитательные выводы и рекомендации в своих занятиях, а также их могут использовать в своей деятельности духовно-просветительские центры, политические и общественные организации.

RESUME

of Rakhimjon Tohirovich Kodirov's dissertation work «Features of the «Uzbek model» at building of a democratic society» for obtaining the research degree of a candidate of Political Sciences, speciality 09.00.10 - Philosophy of politics.

Key words: democracy, freedom, sovereignty, parliament, civil society, “export of democracy”, political culture, human rights, global development, national, "the Uzbek model", universal democratic values, general and peculiar, "colour revolution", political system, political process.

Object of research: scientific and practical analysis of features of “the Uzbek model” at building of a democratic society; combination of universal and national democratic values and the place of "the Uzbek model".

Aim of research: scientific analysis of social-political regularities of "the Uzbek model" creation.

Method of research: use of the comparative and political and philosophical analysis, historical, systematic, functional and compound methods.


Received results and their novelty: there has been made the study of universal and national features of social and political, as well as democratic values from the view point of political sciences. The scientific analysis of regularities of “the Uzbek model” development has been made on the basis of the world democratic state. There has been made a scientific and comparative analysis of means ensuring the priority of the Constitution and Laws on the basis of national and spiritual heritage of a democratic society building.

Practical value: rules and conclusions made in the dissertation work help to form the democratic values at the establishment in the state of justice, truthfulness ideas and analysis of political processes, as well as regularities of solving the social problems at establishing of democratic values.

Degree of embed: conclusions of this research are introduced into the contents of the subjects “Political Sciences” and “Theory of a democratic society building in Uzbekistan” at TSTU and KSPI, as well as introduced to the wide public through the educational actions, carried out together with the spiritual-educational centres.

Nowadays it serves as a practical program for the experts studying political processes.

Field of application: scientists and political sciences experts can use scientific, practical, conclusions and recommendations in the lectures delivering, as well as they can be used in the activity of spiritual-educational centres, political and public organizations.



Босишга рухсат этилди. 28.09.2009 й.
Босма табок 1,5. Адади 100. Буюртма № 28/09.
“Академ - Ҳизмат” босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45